

ҲАММА САЙЛОВГА!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 40 (8530). ● 24 февраль, 1985 йил ● ЯҚШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

ХАЛҚ САЙЛАМОҚДА

БУГУН халқ ҳокимияти органи — республика Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар кун. Бизнинг мамлакатимизда сайловлар ҳар сафар умумхалқ байрамига айланади.

В. И. Ленин Советларни «Ҳамма учун очиқ ҳокимият» деб атаган эди. Бу — Советлар фақат омма маънафати учунгина хизмат қилади, деган маънони англатиб қолмай, балки у омманинг ўзидан ташкил тошганини ҳам ифода қилади. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программасида шундай дейилди: «Халқнинг жуда кенг таъкилоти ва халқ бирлигининг тинчлиги бўлган Советларнинг роли коммунистик қурилиш жараёнида ошиб боради. Советлар давлат ва жамият таъкилоти белгиларини ўнда мустақамлаштириб, тобора кўпроқ жамоат таъкилотлари сифатида майдонга чиқа боради ва уларнинг фаолиятида омма кенг қўламда ва бевосита иштирок этади».

Бу йилги сайловлар ўзгача бир вазиятда — бутун совет халқи партиямиз XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини зўр кўтариш билан амалга ошираётган, ун биринчи беш йилликнинг улкан режалари ҳаётга татбиқ этилаётган, ишчилар, колхозчи-деҳқонлар ва ижодкор зиёлиларимизнинг беш йиллик сўнги йилида меҳнат ва сиёсий активлиги роят ошаётган, партиямизнинг бўлажак XXVII съездини, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган буюк Ғалабанинг 40 йиллиги, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақаси кенг миқёсларда авж олган бир пайтда бўлиб ўтмоқда.

Олий Совет ва маҳаллий Советларга сайловларга тайёргарлик кўриш давомида социалистик демократиямизнинг улдузвор сафарбар қилувчилик кучи яна бир бор намоён бўлди. Барча ватандошларимиз давлат, ҳўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида СССР Конституциясида белгиланган барча эркинликлар, имтиёзлар ва ҳўқўқлардан тўлиқ баҳраманд эканликларини амалда ҳис қилиб турибдилар. Шунинг учун ҳам улар республикалар Олий Советлари депутатлигига коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарларини биринчилар қатори номзод қилиб кўрсатдилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко номи бутун халқ номзоди сифатида тўлга олинди.

Республикамиз Олий органи, маҳаллий Советлар депутатлигига номзодларнинг ҳаммаси ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг ўз фидокорона меҳнати ва актив ижтимоий-сиёсий фаолияти билан омма ишончига сазовор бўлган энг яхши вакилларидан иборатдир. В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғувчи-слесари, Социалистик Меҳнат Қўрамови Н. Маннопов, Калинин районидagi Свердлов номи совхоз ишчиси М. Умарова, Олмалиқ кон-металлургия комбинати Қалмоққир конининг бурғуловчиси Э. Қодиров, Тошкент тўқимачилик комбинатининг ип ўривчиси Н. И. Таликина, Оржоникидзе районидagi «Коммунист» колхозининг сут соғувчиси М. Салимова, област педагогика институтининг 2-курс студенти Д. Мадалиева, Ангрен керамика комбинатининг ишчиси О. Абдураулова ва бошқалар чинакам халқ ишончини қозонган кишиларимиздир.

Бугун умумхалқ овозига қўйилаётган номзодлар саставининг 69 проценти ишчилар ва колхозчилардан иборат. Бўлажак депутатларнинг кўпчилиги СССР орден ва медаллари билан тақдирланган. Депутатликка номзодларнинг 50 проценти эса хотин-қизлар таъкилотида. Давлат ишларини бошқаришда қатнашаётган ёшлар йил сайин қўлаймоқда. Бу йил улар 43 процентга етди. Энг қувончлис шундаки, халқ вакиллари орасида йигирмадан зиёд миллат ва элатларнинг вакиллари бор.

Коммунистлар билан партиясизлар блокнинг номзодлари яқдидлик билан кўрсатилганлиги совет кишилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси теъарафига янада маҳкам жинслаганлигидан, партиянинг социалистик Ватан иқтисодий ва мулоффа қудратини кучайтиришга, совет халқи фаровонлигини оширишга, ер йижда тинчликни сақлаб қолиш ва мустақамлашга қаратилган кўчи ҳамда таъкилоти саставини чексиз қўлаб-қўллаётганликлари билан, партия қўйган вазифаларини адо этишда меҳнаткашларнинг активлиги юксак даражада эканлигидан далolat берди. Бу — ленинча миллий сиёсат таътанасининг, мамлакатимиз халқлари улдуғ дўстлиги ва бирлигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Ўртоқ К. У. Черненконинг Москвадаги Куйбисhev сайлов округи сайловчилари билан учрашувга бағишланган нутқида таъкидланганидек, «Совет ҳокимияти органиларига ўтказиладиган сайловлар — халқ сиёсий процессининг бевосита, яққол ифодасидир». Шунинг учун ҳам партия ва ҳўкуматимиз совет ҳокимияти органиларининг ролини ва мустақиллигини оширишда ҳамма гамаҳўрлик қилиб келмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг Советларнинг иш тўғрисидаги қатор қарорларида, сўнги йилларда қабул қилинган Қонуларда Советларнинг ҳўжалик ва маданий масалаларини ҳал этишда жуда катта ва муҳим роль ўйнаши алоҳида таъкидланди.

Бу қарор ва қонуларда маҳаллий Советларнинг фаолият доираси, уларга бериладиган ҳўқўқлар анча кенгайтирилди. Натигада Советлар ўз территориясиндаги корхоналар, муассасалар ва таъкилотларнинг уй-жой, коммунал қурилиши, соғлиқни сақлашга, маориф ва маданиятга, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришга доир, аҳолига хизмат кўрсатиш билан алоқадор турли соҳаларда кўриладиган чораларни қараб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ишларини координация ва назорат қилиб туришда ҳамда бошқа қатор масалаларда актив фаолият кўрсата бошладилар.

Бугун сайланадиган Олий Совет ва маҳаллий Советларнинг янги саставлари тез кунда янгича куч, янгича ғайрат билан ишга киришадилар. Депутат бўлиш, халқ ишончини оқлаш жуда катта шараф ва масъулиятдир. Халқ ўз депутатлари зиммасига муҳим давлат ва жамоат вазифаларини юклайди. Ривожланган социализм муаммоларини ҳал этишга бутун иқтисоднинг сарфлаш, ишчилар синфи билан колхозчи-деҳқонлар иттифоқини, СССР халқларининг ленинча қардошлиги ва бирдорлигини, совет жамиятининг социал-сиёсий бирлигини мустақамлашга, меҳнаткашлар турмушин фаровонлигини ва маданиятини муттасил оширишга, ишлаб чиқариш сифати ва самардорлигини тобора юксалтиришга бутун чоралар билан кўмаклашиш депутатларнинг энг муқаддас бурчидир. Бу шарафли ва эзу вазифалар депутатларнинг статуси тўғрисидаги Қонунда алоҳида ўқитиб ўтилган.

Халқимизнинг муносиб ўғил-қизлари учун берилётган овозлар жонжақон Коммунистик партиямиз билан Совет давлатимизнинг таъки ва ички саставини бажонудил ямақуллаётган овозлар бўлади. Шунингдек, сайловчиларнинг берган овозлари севинли она-Ватанимизни равақ топтириш, янада қудратлироқ қилиш, бутун совет халқининг ёрқин истиқбол, бахт-саодати учун берилётган овозлар бўлади.

ҲАММА САЙЛОВГА!



А. ХОЛИҚОВ чизган плакат.

◆ БУГУН бепоён мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий турмушида катта ва муҳим роля — иттифоқдош республикалар Олий Советлари ва маҳаллий Советларга сайловлар кун. Совет ҳокимияти органиларига ўтказиладиган ҳар сафарги сайловларда бутун халқ сиёсий активлиги намоён бўлади.

Областимиз меҳнаткашлар

ри ҳам Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловларга янги-янги меҳнат ютуқлари билан келдилар. Улар бутун коммунистлар билан партия-синлар блокнинг энг муносиб номзодлари учун яқдидлик билан овоз беришга азму-қарор қилишган. Айниқса, 18 ёшга тўлиб, бутун биринчи марта овоз беришга шайланаётган ёшларнинг қу-

вончилари чексиз. Пойтахтдаги Островский номи Тошкент Давлат театр ва расомчилик институти биносига жойлашган 19-сайлов участкасида қўлаб биринчи курс студентлари сайлов бюллетени ташланадиган қутилар ёнига илк бор келиб, барча қатори овоз берадилар.

А. Тўраев фотоси.



ОБЛАСТИМИЗ МЕХНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ САЙЛОВЛАРГА ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

БИР БЕШ ЙИЛЛИКДА— ИККИ БЕШ ЙИЛЛИК

ШУ КУНЛАРДА бирлашмаимизнинг барча ишлаб чиқариш участкаларида меҳнат бешлигуви қизгин паллада киярган. Беш йилликнинг сўнгги йилга старт берилиши биланок зиммаларига юксак мажбурятлар қабул қилган чеварларимиз ваъдаларининг устидан чиқиш учун бор куч ва имкониятларини ишга сола бошладилар. Бу бешик эмас, албатта. Уларнинг кўпчилиги стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги муносабати билан бир беш йилликда икки беш йиллик топиригини бажаришга сўз бе-

ришган эди. Бу йил шу ваъданинг устидан чиқиш керак.

Жумладан, В. Лошан, А. Қўшоқов, В. Маннопов, А. Аҳатов, Л. Сереженко сингари ишчилар айни пайтда ун иккинчи беш йилликнинг сўнгги йили ҳисобига маҳсулот топиришга киришдилар. Илгорларнинг ибратли ишлари тўғайли бирлашма бўйича ҳам топиришлар ортити билан бажарилаяпти. Бу йилнинг ўтган даври мобайнида 4 та янги турдаги буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, пландан

ташқари 30 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинганлиги фикримизнинг далилидир.

Комсомол-ёшлар ҳам стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига ўзларининг муносиб меҳнат совғаларини ҳозирламоқдалар. Айниқса, тўқув цехининг 130 нафар комсомол-ёшлари бу ҳаракатда байроқдорлик қилишяпти. Хасан Мирсаидов бошчилигидаги 14 нафар комсомол-ёшдан иборат илгорлар эса ҳозирнинг ўзидаёқ графиндан бир ой илгарилар кетилди. Бу эса бирлашмаимиз ишчи-хизматчилари стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб тўғайлар билан кутиб олажакларидан далolat бермоқда.

Т. НУЛДОШЕВ.
«Учкун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

ВАЪДА БАЖАРИЛДИ

чи-слесари Рашид Ҳамроқулов сайловлар кунини кимида икки ойлик ишлаб чиқариш топиригини бажариш билан кутиб олиш ҳақида берган сўзининг устидан чиқди. Кунин кеча 2,5 ойлик нормани бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Меҳаника цехи тоқари Раҳим Нўлдошев ҳам меҳнатда яхши кўрсаткичларга эришмоқда. У ҳар кун белгиланган нор-

мани 115 процентга етказиш адо этди. Моҳир тоқар шукларда март ойининг иккинчи ўн кулини ҳисобига маҳсулот бермоқда.

М. МАХМУДОВ.

МУНОСИБ КУТИБ ОЛДИЛАР

ЎЗБЕКИСТОН химия машинасозлиги заводи коллективи ун биринчи беш йилликнинг яқунловчи йилида яхши меҳнат кўрсаткичларига эришмоқда. Шу йилнинг ўтган даври учун белгиланган давлат плани анча ортити билан адо этилди. Бунда иқтисодий эксперимент шароитларида ишлаш, КПССнинг навбатдаги XXVII съезди ва республика Олий Совети ҳамда маҳаллий Советларга сайловлар кунини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа катта роль ўйнади.

Бу ватаншарварлик ҳаракатида фаол иштирок этган кўпчилик цехлар, бригадалар коллективлари топиришларини анча ортити билан бажаришга эришмоқдалар. Соци Усеинов раҳбарлигидаги бригада коллективи ҳар сменада қўшима маҳсулот ишлаб чиқариб, мусобақа пешқадамлари сафида бормоқда. Бу бригада билан мусобақадosh А. Тартабоев раҳбарлигидаги коллектив аъзоларининг иш натижалари ҳам баракали бўлмоқда. Бу икки бригада коллективлари икки ойлик ишлаб чиқариш планини барвақт бажардилар.

ЮҚОРИ СЕМИЗЛИКДА

ЧИНОЗ районидagi Энгельс номи колхоз чорвалари йил сайин мўл-қўл маҳсулот етиштириб, СССР Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ўтган юбилей йилидан барча соҳаларда муваффақиятли яқунлаган чорвалардан Ғалабанинг 40 йиллиги ҳамда КПСС XXVII съезди шарафига ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар. Меҳнат интизомига қатъий амал қилиш, зооветеринария талаб-

ларини ўз вақтида бажариш тўғайли ҳўжаликда дастлабки муваффақият дўлга кириштирди. Колхоз бўрдоқборларлари шу кунга қадар давлатта 13,9 тонна гўшт етказиб бериб, биринчи квартал планини бажардилар.

Эришилган ютуқда Маҳмуд Анобоев, Яхшилик Гўлданбоев сингари тажрибали молбоқарларнинг ҳиссалари катта бўлди. Улар айни кунларда ленинчи квартал ҳисобига маҳсулот топиришмоқдалар.

Т. ЎЗГЕНОВ

ЭКИБ БЎЛИНДИ

ОРЖОНИКИДЗЕ, СССРнинг Озиқ-овқат программаси бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил кураш олиб бораётган «Қизил Ўзбекистон» колхозининг сабзавоткорлари об-ҳаво қулай келган кунлардан унумли фойдаланмоқдалар. Сабзавот экиш учун ерлар барвақт тайёрлаб қўйилган эди. Теплицаларда сара кўчат етиштирилди. Айниқса, эртаги қарам кўчатларининг дуркун ривожланиши учун барча зарур тадбирлар амалга оширилди.

Колхознинг Социалистик Меҳнат Қўрамови А. Эгамназаров, шунингдек, М. Жалилов, М. Ҳожиёв сингари ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг деҳқонлари ишчи, айниқса, намунали таъкил этидилар. Булар полиэтилен пленкалари тағига эртаги қарам кўчатни экинчи биринчи бўлиб тўғайдилар. Шундай қилиб, колхозда мўлжалдаги 7 гектар ўрнига 13 гектар майдонга сифатли қилиб қарам кўчат экиб қўйилди.

Колхозда бошқа экинлардан ҳам мўл, сифатли, эртаги ҳосил олиш учун мустақам замин яратилмоқда.

Н. РИХСНЕВ.

МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИ



◆ ИККИНЧИ ва ўчинчи даражали Меҳнат шукрати орденлари нишондори, моҳир соловчи Анҳом Ибрагимов номини Тошкентдаги 9-автотшина ремонт заводи коллективи ҳўрмат билан тўлга олади. Қўп йиллик иш давомида бой тажриба тўплаган ветеран вулканизатор ишлаб чиқариш нормаларини доим 150 процентга етказиб бажармоқда.

М. Нуриддинов фотоси.



◆ ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинати коллективи 1985 йил баҳорги-ёзи мавсум учун нафис газламалар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу матолар ўз сифати жиҳатидан юксак стандартлар талабига тўла жавоб беради. Ушбу суратда сифат назоратчилари бригадаси раҳбари Шаҳид Каримбоевни кўриб турибемиз. У раҳбарлик қилаётган коллектив смена топиригини 115—120 процентдан бажармоқда.

В. Сироткин фотоси.

БҮГҮН—
ЎЗБЕКИСТОН ССР
ОЛИЙ СОВЕТИ
ВА МАҲАЛЛИЙ
СОВЕТЛАРГА
САЙЛОВЛАР КУНИ

СССРДА БҮГҮН ХОКИМИЯТ ХАЛҚНИКИДИР

—ЯҚИНДА БУНЁД БҮЛДИ НУРОБОД ИСТИҚБОЛГА ИНТИЛАДИ

ЭНГ ДЕМОКРАТИК, ЭНГ АДОЛАТЛИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига тааллуқли бирорта масала йўқки, уни муҳокама қилишда ва ҳал этишда кенг меҳнаткашлар омма-си иштирок этмайдиган бўлсин. Бизнинг мамлакатимизда халқ ҳокимиятичили-нининг ягона системасини ва сиёсий негизини Советлар ташкил этади.

Аҳоли билан мустақам алоқада бў-лиш, доимо кенг жамоатчиликка таяниш, оммаини мамлакатни бошқариш ишларига жалб этиш Советлар фаолиятининг му-ҳим принципларида биридир. Маҳал-лий Советлар партия ва ҳукуматнинг муҳим қарорларини амалга оширишда ўз депутатлари ёрдамига таянадилар. Бинобарин, Советларнинг депутатлари ўз вазифаларини жамоатчилик асосида ба-жарадилар. Улар парталистик мамла-катлардаги маошхўр парламентарийлар-дан тубдан фарқ қиладилар. Бизнинг депутатларимиз давлат хизматини фа-брика ва заводлардаги, қолхоз ва совхоз-лардаги, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлардаги меҳнат фаолиятлари билан қўшиб олиб борадилар. Хулоса қилиб айтганда улар В. И. Ленин васи-ят қилганидек, бевосита ишлаб чиқариш-да меҳнат қиладилар, ўзлари таъсис эт-ган қарорларини ўзлари ижро этадилар, қўндалик ҳаётида нимадир юз бераётган-лигини ўзлари текшириб, сайловчилар олдида ҳисоб бериб борадилар.

Бугун бўлиб ўтadиган сайлов Советлар-ни янги кучлар билан тўлдирини шубҳа-сиз. Бизнинг тузумимиздаги мавжуд сайлов системаси халқнинг ўз ҳоқини-иродасини эркин ифода этишини тўла таъминлайди. Ўзбекистон ССР маҳал-лий Советларига сайловлар ўтказиш тўғрисидаги Қонуннинг 20-моддасига биноан сайловчиларнинг рўйхатлари ёппасига танишиб чиқиш учун тақдир-этилади. Қонуннинг 21-моддаси эса ҳар бир граждани рўйхатга киритилмаган-лиги ёки нотўғри киритилганлиги, фами-лияси, исми ва отасининг исми нотўғри ёзилганлиги учун шикоят қилиш ҳуқу-қини беради.

Совет сайлов системасининг муҳим

хусусиятларидан бири яшрин овоз бе-рилишидир. Ҳар бир сайловчи бошқалар таъсиридан ҳоли, фақат ўз истогига овоз бериб, сайлов бюллетенини қўти-га ўз қўли билан ташлайди.

Советларга сайловларини уюштириш ва ўтказиш учун бўладиган барча моддий сарф-харажатларини давлат ўз зиммасига олади. Ўзбекистон ССР маҳаллий Со-ветларга сайловлар тўғрисидаги Қонуннинг 11-моддасида депутатликка номзодлар-нинг ҳам, сайловчиларнинг ҳам сайлов ўтказиш билан боғлиқ харажатлардан ҳоли эканликлари белгиланган.

Миллионлаб меҳнаткашлар сайлов комиссиялари составига кирдилар, агит-коллективлар ва сайловчилар клублари нишда фаол қатнашдилар. Ўзбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Со-ветларга сайловларга тайёргарлик кўриш барча партия ташкилотлари ва меҳнат коллективлари учун жиддий синов бў-ди. Сайловолди оммавий-сиёсий ишлар давомида социалистик системанинг бутун афзалликлари, партия ва ҳуку-матнинг халқ фаровончилиги охириш борасидаги гамхўрлиги, сайловчилар на-казларининг бажарилиши, депутатлар-нинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини қандай амалга ошираётганликлари аҳолига аниқ ҳаётини мисоллар билан тўғутин-риб борилади. Бунда область адвокатлар юридик консултацияси, суд ва нотари-ал идораларининг ходимлари ҳам актив қатнашдилар.

Бугунги сайловларнинг СССР ва Ўз-бекистон ССР Конституциялари талаб-ларига, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар тў-ғрисидаги Қонунларига тўла мувофиқ қолди ўтишига, меҳнаткашларнинг эрта тонг билан сайлов участкаларига уюш-қонлиқ билан келиб, коммунистлар би-лан партиячиларнинг бузилмас блокига айдиллиқ билан овоз беришларига шуб-ҳа йўқ.

Б. УСМОНОВ,
область юстиция бўлими бошлигининг ўринбосари.

● АВВАЛГИ сайловдан сўнг ўтган вақт ичида Тош-кент области Советлари 8 тага қўнайиб 167 тага етди. Жумладан 7 та қишлоқ Со-вети ва битта посёлка Со-вети лангидан ташкил этилди.

● ҲОЗИРГИ кунгача Тошкент областада маҳаллий Советларга сайланган 12 минг 651 депутат 300 минг-дан кўпроқ жамоатчи актив-ларга таяниб иш кўриб кел-ди. Минглаб граждандар ко-рут ва участка сайлов ко-

миссиялари аъзолари ва агит-торлар сафида сайловлар.

САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА

ни ташкил этиш ва ўтказишда қатнашмоқдалар.
● СОВЕТЛАРИНИНГ омма билан алоқа қилишида сай-

ловчиларнинг нақазлари му-ҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бу нақазларда халқ-нинг давлат ишларига муно-сабатини, ишонган вакиллари-га нисбатан талабчанлиги яққол намоён бўлади.

● АВВАЛГИ сайловларда область Советлари томони-дан 5 мингдан ортиқ нақаз бажариш учун қабул қилин-ган эди. 1985 йил 1 январ-гача шу нақазларнинг 94 процентдан кўпроғи бажари-лди.



◆ 106-Тўйтепа сайлов округи агитпунктларида Ўз-бекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сай-ловларга пухта тайёргарлик

кўрилди. Сайловчилар учун алоҳида хоналар, бюллетень ташланадиган қўтилар бар-вақт ҳозирлаб қўйилган. Уш-бу суратда акс эттирилган

агитпунктда бугун сайловчи-лар халқ депутатлигига му-носиб номзодларга овоз бе-радилар.

САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА

● ФАҚАТ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутат-ларига берилган нақазлар-нинг амалга оширилиши на-тижасида областда 12 та мактаб учун янги бино ёки қўшимча хоналар, ҳар бири 280 ўринли 6 та замонавий

болалар боғчаси, иккита ка-салхона, иккита поликлиника, 38 та кўп хонали уй, бир қанча магазин ва ошхо-налар қурилди. 14 та аҳоли пункти газлаштирилди, 6 та қишлоқни водопровод суви билан таъминлаб ахшланди.

● ОБЛАСТНИНГ иқти-содий потенциални бир жу-ча ўси. Ўтган тўрт йил ичи-да ялпи саноат маҳсулотини 16,8 процент қўнайди. Пля-нага қўшимча 350 миллион сўмлик маҳсулот реализа-ция қилинди. Сифат белгиси билан чиқарилган маҳсулот-

лар ялпи маҳсулот ҳажми-нинг 31 процентини ташкил этиди.

● СОВЕТЛАРИНИНГ син-фий ва миллий состави жа-мийятнинг социал структура-сини тўла ифодалайди, мам-лакатимиз барча халқлари дўстлиги ва маънавий-сиё-сий бирлигини ўзида мужас-самлаштирди.

● БУГУНГИ сайловлар-да сайлаш учун Тошкент об-ластидан кўрсатилган 57 на-фар республика Олий Со-вети ва 12 минг 695 нафар маҳаллий Советлар депутат-

лигига номзодлар орасида аҳолининг барча табақалари вакиллари бор.

● НОМЗОДЛАРИНИНГ ярмидан кўни — аёллар, учдан бири қисми — 30 ёш-гача бўлганлар, 70 процент-га яқини ишчилар ва қолхоз-чилардир.

● ДЕПУТАТЛИККА номзодлар орасида Совет Иттифоқининг 35 та мил-лат ва эллати вакиллари бор. Улар ишчилар синфи, қол-хозчи-деҳқонлар ва халқ-зиёлиларнинг энг яхши ва-киллари.

Сўз-илх бор овоз бераётганларга

НИЯТИМГА ЕТДИМ

Илгарги сайловларда оилавий аъзоларини эрта тонг-да туриб овоз беришга йўл олганларидан мен ҳавас би-лан қараб қолардим. Чунки чор-атрофини қарнай-сурнай навоси, дилрабо музика, кў-шиқ оҳанглари тўдирган шодие-нада иштирок этиш

жуда гаштли туюларди мен-га. Эндилкида оғуш ушлад-ди. Бугун биринчи бор сай-лов участкасига бораман. Ана шундай гражданди ху-қуқига эга бўлганлигимдан беҳад хурсандман.

Бу кун ҳамма қатори мен учун ҳам катта байрам.

МИНГЛАРИНИНГ БИРИМАН

КЕИИНГИ кунларда ҳаё-тимда бир-бирини қувончи воқеалар бўй берди. Ёшим 18 га тўлиб, совет граждани бўлдим. Сўнгра ишчилар са-фига қўшилдим. Бугун эса минглаб тендошларим қато-ри биринчи марта респу-блика Олий Совети ва маҳаллий Советларга ўтказилаётган сайловларда иштирок эта-

ман. Шу тўғрисида қалбимда ҳаяжон. Мен овоз берадиган Калинин районидagi 92-Свердлов сайлов округи участкалари бугунги сай-ловларга мўддатидан анча илгари тайёрлаб қўйилган эди. Агитпунктга Калинин районидagi Свердлов номи-ли совхоз ишчиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутат-

ҲАЁТИМДАГИ МУҲИМ ВОҚЕА

БҮГҮН шодлигимнинг че-ки йўқ. Чунки бу йил ҳаё-тимда илк бор сайловда қат-нашаман, халқимизнинг Ўзбекистон ССР Олий Со-вети ва маҳаллий Советлар-га депутатликка номзодли-курсаитилган муносиб фар-зандлари учун овоз бера-ман. Шуниси қувончлиги, бизнинг Керовчи қишлоқ Совети территориясида исти-қомат қилувчи яна 37 на-фар тендошларим ҳам илк

бор ана шундай ҳуқуқдан фойдаланмоқдалар. Албат-та, биз сайловларга тайёр-гарлик жараёида ўзимизга берилган эркин ҳуқуқ зами-рида муассасалашган пур маънони тўғри англаб ол-дик. Қолхозимиздаги Муқимий номи мактабда жой-лашган агитпункт агитатор-лари Нишпобой Муслимов раҳбарлигида биз билан суҳ-батлар ўтказдилар, совет сайлов системасининг афзал-

ИККИ ХИЛ ТУЗУМ—ИККИ ХИЛ САЙЛОВ

БИЗДА

● СССР Конституциясида мамлакатимизда бутун ҳокимият халқнинг эканлиги қонун йўли билан мустақамланган. Давлат ҳокимияти олий ва ма-ҳаллий органларига ваколатлик ҳам бунини тўла-ҳукис тасдиқлайди. Жумладан, ўзини қақриқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларидан 259 киши ёки барча депутатларнинг 50,8 проценти иш-чи ва қолхозчилардир. Республикадаги маҳал-лий Советлар составининг салкам 70 процентини моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчи ва қолхозчилар ташкил этади.

● Республикада халқ депутатлари маҳаллий Советларига 103 мингдан ортиқ депутат сайланган. Уларнинг 50,883 нафарини ёки 49,5 проценти хитин-қизлар, депутатларнинг қарийб учдан бири қисмининг ўттиз ёшгача бўлганлар ташкил қилади.

● Ҳозирги вақтда 2,3 миллиондан ортиқ киши — мамлакатимизда яшовчи барча миллат ва эллатлар-нинг вакиллари СССР Олий Советининг, иттифоқ-дош республикалар Олий Советларининг, маҳаллий Советларининг депутатларидир. 30 миллиондан ор-тиқ актив маҳаллий ҳокимият органларига ёрдам бермоқда.

● Ўз биринчи қақриқ СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайловларда давлат ҳокимиятида олий органга халқнинг билдирган ишончи 180 милли-ондан кўпроқ сайловчиларнинг фикри билан тасдиқ-ланди.

● СССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳамма хара-жатлар давлат ҳисобидан қилинади.

УЛАРДА

● Ўтган йил 6 ноябрда сайланган 99-қақриқ Америка Қўшма Штатлари конгрессининг аъзола-ри орасида битта ҳам киши йўқ. Айни пайтда ҳар беш сенатордан бири миллионердир. Яна шуниси диққатга сазоворки, АҚШ 240 миллионлик аҳоли-сининг қарийб бешдан бири қисминини қў тали бўл-маган америкаликлар ташкил этгани ҳолда мамла-катнинг қонун чиқарувчи олий органида негрлар ёки испан тилида гаплашадиган миллатларнинг би-рорта вакилини учратмайси. Вакиллар палатаси-нинг 435 аъзоси орасида атиги 20 нафар негр ва шунча аёл бор, холос.

● 30 кун мўддатда бир жойда муқим яшмаган ҳамда бошланасиз америкаликлар овоз беришдан маҳрум қилинганлар.

● Америкада 1980 йили сайлов кампаниясида руҳхатта олинганларнинг 62,8 проценти иштирок этган бўлса, 1984 йили сайловларда уларнинг ати-ги 53 проценти овоз беришда қатнашди. Яъни овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 174 миллион америка-ликдан 89 миллион сайловчиларни писанд этмади.

● 1984 йилдаги сайлов кампаниясида АҚШ рес-публикалардан партиясининг миллий комитети фа-қат сайловчиларни руҳхатга олиш учун 11 милли-он доллар сарф-харажат қилганлигини расмий ра-вишда мегълум қилди. Бу демократларнинг ана шу мақсадларга сарфлаган маблағларидан уч баравар кўпдир.

● Миллионерларнинг пуллари эвазига яна ҳо-кимият тепасида қолган Р. Рейган ўз маъмурияти билан «ҳомийлар»нинг сарф-харажатларини қоп-лаш чораларини кўрмоқда.



ЯНГИ МАССИВДАН РЕПОРТАЖ

Бу ерда қад қўтарган би-нолар архитектура беэани-нинг оригиналчилиги, салоба-ти, қоматдорини билан ало-ҳида кўзга ташланади. Улар-га тўташ ялпизликларда ҳа-мон иш жадал суръатлар билан давом этмоқда. Ба-ланддаги қанатларга го-ғиш, гоҳ қоринча, гоҳ бе-тон плита узиатиб бераётган осмонлар қанлар ҳаракати, янги қуришларни учун май-донлар ҳозирлаётган булдо-зерлар наъраси, объектларга қум, шағал, цемент ташиб келаётган гигант машиналар оқими бугунги Юнусобод кўрмига ўзгача фойза кирит-ган.

— Массивимизни катта шаҳардаги шаҳарча деса бў-лади,— дейди Киров район партия комитетининг бирин-чи секретари Шахло Наси-мовна Махмудова.— Бу мас-сивда ҳозир 120 минг аҳоли истиқомат қилмоқда. Ўтган сайловдан бўён эса унинг таркибини ҳоли янада бой-ди.

Биз бу йилги сайловлар муносабати билан янги та-шкил этилган тўртта сайлов участкаларидан бирида — 250-мактабнинг агитпункти-да бўлганимизда бу ҳақда янада равшанроқ тасаввурга эга бўлдик. Турар-жой қури-лишида эришилган ютуқлар-га бағишланган каттагина

Шаҳардаги шаҳарча

стендада куйидаги фактлар билан танишдик: сўнгги ик-ки ярим йил ичида бинокор-лар юнусободликларга 635 минг квадрат метрдан зиёд турар-жой, 7156 ўринли 5 та мактаб, бир смена даво-мида 850 кишини қабул қи-ла оладиган поликлиника, 800 ўринли боғча, автомат телефон станциялари, авто-бус парки, жуда катта май-донга эга бўлган мебеллар уйи, боғ ҳамда хиебонлар тортиқ қилинган. Массивда-ни 14, 17, 18, 19-кварталлар худди ана шу мўддат ичида қурилди.

Агитпунктда «Главташ-кентстрой»нинг 2-монтаж бокмармисига қарашли 1-уй-союзик комбинатининг Ра-виль Гумрванов бошлиқ бри-гада қурувчиларига бағиш-ланган кўрғазма ҳам эти-боримизни тортди. Биз бу бунёдкорлар иши билан та-нишиниш мақсадида 19-квар-талга йўл олдик. Бу коллек-тивда турли миллат вакил-лари бир ёқадан бош чиқа-риб меҳнат қилишмоқда. Улар бир йил давомида 80 квартиралар уйларида 5 та ўринга 6 тасини монтаждан чиқармоқдалар. Бригданинг илгор монтажчиси Анатолий Чернишов билан суҳбатла-шамиз.

— Пудрат усулига ўтиши-миз билан ишлар анча жо-наланди кетди,— дейди у.— Бизда сансалорлик йўқ. Шиоимиз — вақтдан унум-

ли фойдаланиш. Бунда А. Капаев, М. Абдулганов, В. Подгорбунский, Ж. Шарипов, С. Побожимов, Р. Ма-лонов, Н. Мешчерекова, И. Одилов каби тажрибали ку-рувчиларимиз ташаббус кў-рсатишмоқда. Улар ёшларга чинакам мурабийлик қила-ёттирлар.

Бригада аъзолари сайлов-дан-сайловгача вақт ичида қурган 60 квартиралар 15 та уйнинг биридаги уч хонали квартирда Абразим завод-нинг ишчиси Воҳид Жўраев олмаси истиқомат қилади. Оила аъзолари бинокорлар-дан жуда ҳам хурсанд. Хо-налар кенг, ёруғ, Балқонга ҳам пешайвонлардан қолш-майди. Охинонда эса уй бекаси учун барча қулай-ликлар қратилган.

Квартиралар бўйлаб айла-нар эъланасиз ҳарбий хизмат-чи, капитан Владимир Сав-ченко оиласини 19-квар-талда янги топирилган уйга кўчиб кираётган пайтда уч-ратдик.

— Хизмат юзасидан кўп шаҳарларда ялшага тўғри келган,— дейди у.— Тўғри-сини айтсам, кўшини соғин-ган пайтларим ҳам бўлган. Мана энди уйимизнинг де-разаси кўш билан руборў. Жуда маънуиман. Қурувчи-ларга раҳмат. Уйимиз икки хонали бўлгани билан уч хоналикка бергусиз. Пар-дозчилар астойдил меҳнат қилганликлари кўриниб ту-рибди.

С. ҲАСАНОВ.

● Суратда: Юнусободдаги янги турар-жой массивлари-дан бири.
А. Абалаян фотолари.

ҒОЛИБЛИК МАСТЪУЛИЯТИ

Ватанимиз пойтахти Москвада жонажон партияимизнинг XXVI съезди ўз ишчи бошлаган кунга тўрт йил тўлди. Совет кишилари шу давр мобайнида съезд белгиланган улдувор вазифаларни амалга ошириш йўлида улкан муваффақиятларга эришдилар. Бунинг биз районимизнинг иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришларда тўла ҳис эътиҳамдиз.

Ўтган давр районимиз партия ташкилотининг жанговарлиги янада ўсганлиги, омманинг сиёсий ва меҳнат активлиги юксалганлиги, барча жойда иттиҳом ва тартибнинг мустаҳкамланганлиги билан характерланади. Меҳнаткашлар ўртасида олиб борилган катта сиёсий ва ташкилотчилик ишлари туфайли экономика ва маданий ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида катта ўзгаришлар содир бўлди.

Кейинги йилларда район sanoat корхоналарининг қуввати сезиларли даражада ошди. Тўрт йил мобайнида маҳсулот реализация қилиш салкам 2 миллион сўмликка ёки тўрт процентга кўпайди. Меҳнат умиддорлиги эса 6 процентга ўсди. Социал ҳаётимизда рўй берган ўзгаришлар яна ҳам каттадир. Съезд қарорлари асосида меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, шаҳар ва қишлоқларнинг ободонлаштириш диққат-марказимизда турбди. Кейинги йилларда курилишлар учун салкам 32 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланди, 21 миллион сўмлик курилиш-монтаж ишлари бажарилиди. Ҳамжишловларимизга 4 минг квадрат метр уй-жой, фарзандларимизга эса 784 ўринли янги мактаб, 833 ўринли болалар богчаси куриб берилди. 1317 квартира газлаштирилди.

Курилишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозир Михайлов қишлоғида ва «Ленин йўли» колхозида янги мактаблар курилиши низоҳсизга етмоқда. Курилатган тадбирлар мактабни ислоҳ қилиш юзасидан партия қўлган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини беради. Ҳозир мактабни ислоҳ қилишда халқ ма-

орифи системаси партия ташкилотларига бйрилган салкам 300 коммунист фаол иштирок этмоқда.

Беш йилликнинг ҳар бир йили райони-миз тарихига ўзига хос зарварак бўлиб ёзилмоқда. Айниқса, ўтган йили Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси-нинг 60 йиллиги шарафига ўтказилган мусобақа яхши самаралар берди. Сабзавоткорларимиз пландаги 76 минг 300 тонна ўрнига 99 минг 241 тонна маҳсулот етиштиришди. Деҳқонларимиз асосан экинлар ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига мўлжаллагидан анча кўп маҳсулот олишга муваффақ бўлишди. Ҳар гектар ердан ўртача 293 центнердан сабзавот, 227 центнердан картошка, 152 центнердан узум ҳосилди йиғиштириб олинди.

БУТУНИТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБЛАРИ

Айниқса, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозидан район партия комитети аъзоси Эътибор Ирисбекова бошлиқ бригада коллективни эришган ютуқлар қувончли бўлди. Бригада аъзолари илгор тақрирларига амал қилган ҳолда ишчи ташкил этиб, ҳар гектар майдондан 323 центнердан сабзавот ҳосилди йиғиштириб олишга муваффақ бўлишди. «Тошкент» совхозининг коммунист Шонир Йўлдошев бошлиқ бригадаси аъзолари эса картош-ка етиштиришда рекорд қўйишди. Улар ҳар гектар майдондан салкам 200 центнердан ҳосил олдилар.

Чорвадорларимиз эришадиган муваффақиятлар ҳам қувончли бўлапти. Улар ўтган йили 1607 тонна гўшт, салкам 12 минг тонна сўт етиштириб белгиланган топирикани анча ортири билан адо этишди. Бу соҳада «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхоз сўт соғувчиси, КПСС XXVI съезди делегати Волида Мусоева эришадиган ютуқларни алоҳида таъкидлаш керак. У ҳалол меҳнат қилиб, ўз боқимидagi 25 бош соғин сийғирнинг ҳар

бирдан 4200 килограммдан сўт соғиб олди. Илгор чорвадорлар тажрибасини кенг ёйиш туфайли ялли юксалишга эришмоқда. Район бўйича ҳар бир сийғирдан 3490 килограммдан сўт соғиб олинди, гўштак топирилган қорамолларнинг ўртача топирик вази 406 килограммига тўғри келди.

Деҳқончилик ва чорвачиликни ривож-лантиришда эришадиган ютуқларимиз муносиб тақдирланди. Ўтган йил яку-лари бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, КПСС Мар-казий Комитети, СССР Министрлар Со-вети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Ко-митетининг кўчма Қизил байроғига сазо-вор бўлиди. Қуни кеча районимизга бу мукофот тантанали суратда топширилди. Бутуниттифоқ мусобақасида ғолиб чиқ-қан меҳнат коллективлари орасида рай-

онимизнинг К. Маркс номли колхози ҳам борлиги биз учун қувончлидир. Бу кол-лективга ҳам КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи тақдим этилди, номли СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргаз-масидаги Бутуниттифоқ Хўрмат тахтаси-га ёзилди. Ҳозир биз ғолиб коллектив тажрибасини барча хўжаликларда кенг тарғиб қилмоқдамиз.

Меҳнаткашларни коммунист руҳда тарбиялашда марксизм-ленинча ўқув ва иқтисодий таълим ролини оширишга кат-та эътибор бермоқдамиз. 1984 — 1988 ўқув йилида биз партия ўқувни система-сиза ўзига хос эксперимент ўтказмоқда-миз. Эксперимент бўйича ҳар бир ком-мунист маълумоти, лавозими, партиявий стажидан қатъий назар «В. И. Ленин, КПСС социализм ва коммунизм қурили-ши тўғрисида» деган курсга жалб этил-ган. Экспериментда 90 та марксизм-ле-нинизм асослари мактабида билим ола-

ётган 2074 тингловчи қатнашапти. Бу тадбирнинг сифатли ўтиши учун ҳар бир мактабга район партия комитети бю-росининг аъзолари, район партия коми-тетини аъзолари ва мастул ходимлари би-риктириб қўйилган.

Шундай эксперимент иқтисодий таъ-лим системасида ҳам ўтказилмоқда. Бу системадаги 217 та мактабда 2512 тинг-ловчи таълим оляпти. РАЙОГА кирган саккизта колхоз ва тўртта ташкилотда тингловчилар қиёнда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўн кун экономикани ўрганишди.

КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми талаблари асосида биз идеология ишла-рининг бошқа тармоқларини ҳам тако-миллаштириб бормоқдамиз. Айниқса, КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини оммага кенг тушунтиришга эътибор ку-чайди. 48 сиёсий докладчи, 282 сиёсий ахборотчи, 1217 агитатор, озгача сиёсий агитациянинг бошқа активлари меҳнат коллективларида, ферма ва устаконалар-да партия сўзини кенг омма қалбига ва онгига етказмоқдалар. Сўхбатлар даво-мида асосий эътибор КПСС Марказий Комитети Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиуми Равис ўртоқ К. У. Черненко нутқларида, Ўзбекистон Ком-партияси Марказий Комитети XVI пле-нумида қўйилган вазифаларга, ўн бири-ни, кенг йилликни муваффақиятли яку-лашга ва партияимизнинг бўлажак XXVII съездининг муносиб кутиб олишга қара-тилмоқда.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақа-си ғолиб сифатида юксак мукофот би-лан тақдирланган эканмиз, биз бу кат-та мукофотни гоётада қадрлаймиз, у ян-ги-янгини масъулиятлар юклаганини чуқур ҳис этамиз, партия ҳўкуматининг ишчи-нини ҳаммиса оқлаш учун барчамиз са-фарбаримиз.

А. ТУРАХОНОВ,

Тошкент район партия комитетининг биринчи секретари.



БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРИ

○ Тошкентдаги подшпикн заводида КПСС XXVII съез-ди ва Ўлуғ Ватан урушидаги буюк Ғалабанинг 40 йилли-гини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа тобора авж оляпти. Унда фа-

ол иштирок этаётган ветеран ишчи К. Михайлова смена нормасини доим ошириб адо этмоқда. У шу кунларда 1987 йил ҳисобига маҳсулот бермоқда. А. Тўраев фотоси.

ҲАМ ИШЛАМОҚДА, ҲАМ ҚУРИЛМОҚДА

ТОШКЕНТ мотор заводи-нинг биринчи навбати бел-гилангандан анча олдин иш-га тушди. Ҳозир бу ерда давгательлар учун турли хил деталлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Бу кун-гача шундай қисмларнинг 300 тасини тайёрлаш йўлга қўйилди. Корхона билан бирга ердамчи объектлар ку-рилиши ҳам олиб бйрилмоқ-да. Ошхона фойдаланишга топирилди. 200 ўринли ётоқхона барпо қилинди. Унда ёлғиз ва кам оилали иш-чилар уй тўйларини ўтказиш-ди.

Мамлакатимиз пахтачи-лигида фойдаланилаётган тракторлар, «зангори кема»-лар учун турли хил дивга-теллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхонанинг қурилиши навбати қурилиш тобора авж олмақда. Бу ша-рафли ва масъулиятли ишда қатнашаётган бинокорлар ва монтажчилар зиммаларидаги вазифаларни муваффақият-ли бажариш, барча объект-ларни белгиланган муддат-ларда сифатли қилиб куриш юзасидан социалистик мусо-бақани кун сайин қийнатмо-қдалар. Уларга лойиҳалаш институтлари, бургомачи, материаллар етказиб бериш-чи ташкилотлар ҳам қўл-дан ёрдам беришапти. Би-ноларнинг лойиҳа-смета

хужжатлари, технология ас-боби-ускуналар, бинокорлик материаллари, металл кон-струкциялари ўз вақтида ет-казиб берилмоқда.

Шунинг учун ҳам бош пудратчи ҳисобланган рес-публика Мелиорация ва сув ҳўжалиги министрлиги ҳам-да «Средизерговхозстрой» бўлинималари коллективлари эришадиган ютуқлар самара-ли бўлмоқда. Ўтган хўжа-лик йилида белгиланган ку-рилиш-монтаж ишларини зийдаси билан амалга оши-рган бунёдкорлар бу йил ҳам мадал ишлашапти. Январ ойи топирикни анча ортири билан адо этилди. Плана-га мувофиқ 172 минг сўмлик иш бажарилиши керак эди. Амалда эса у 245 минг сўм-ликни ташкил этиди. Натика-да белгиланган топирикни 122 процент қилиб бажар-илди.

Бинокорлар ва монтажчи-лар коллективлари эриша-ётган, бу ютуқларга юзлаб бинокорлар, кўпчилик бри-гадалар салмоқли ҳисса қўш-моқдалар. Айниқса, «Пром-жилводострой» трестининг 4-иқтисослашган кўчма ко-лоннаси коллективни эриша-ётган ютуқлар салмоқли бўл-моқда. Улар қурилишда иш-тирок этаётган коллектив-лар туфайли меҳнат бел-лашувисида юксак натижалар-

га эришмоқдалар. Колонна-нинг В. Василево, В. Поно-марев, шу трестга қарашли 2- ва 3-колонналарнинг М. Пишчурков, Г. Лиллар бошчи-лик қилаётган бригадалари пудрат асосида умумий ва сифатли меҳнат қилмоқда-лар. Уларнинг ўртача йил-кўрсаткичлари 125 процент-дан оширишга ташкил ет-моқда. Январ ойида Брон-ислав Ким раҳбарлик қила-ётган бригада аъзоларининг ишда рекорд кўрсаткичга эришганликлари қайд қилин-ди. Улар оялик топирикни 300 процентга етказиб бажар-ишди.

Завод бунёдкорлари Ўз-бекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар, совет халқининг Ўлуғ Ватан урушидаги Ға-лабасининг 40 йиллиги ҳам-да КПССнинг навбатдаги XXVII съездининг муносиб ку-тиб олиш учун мусобақа байроғини янада баланд қў-тармоқдалар. Улар бу йилги ваздаларнинг тула улдаси-дан чиқиб учун иш вақти-дан, мавжуд резервлар ва имкониятлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қи-лишапти.

Т. ШОЮСПОВА, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув ҳўжа-лиги министрлиги мат-буот маркази ходими.

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

ПОШША Шодиев бошчи-лик қилаётган бригада Ян-гийўл районидagi Калинин номли колхознинг юқори ҳо-сидли бригадаларидан чи-қиболган.

Бригада деҳқонлари ўтган йилни қувончли ютуқлар билан якунлашдилар. Мавжуд 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 31 центнер ўрнига 38,9 цент-нердан ҳосил қўйишди. Етиштирилган ялли ҳосил-нинг деярли барчаси бирин-чи сортларга топирилди. Шунга қўра бригада аъзо-ларининг йиллик даромад-лари ҳам юқори бўлди. Жумладан, бригаданинг фа-

ол аъзоси Ш. Жаманов оиласи ҳалол меҳнатлари эвазига 8 минг сўм даромад олди.

Буюк Ғалабанинг 40 йил-лиги ва партияимизнинг XXVII съезди шарафига меҳнат белангулини қизғин тослан шу кунларда бри-гада деҳқонлари ҳам азгу-ният билан далага отланши-ган, 4 та транспорт тракто-рида бригада даладарига маҳаллий ўнг ташкил чи-қаришмоқда. Гектарига 20—25 тоннадан гўнг солинмоқ-да. Бу ишда А. Жаманов, А. Аширкулов сингари меҳани-затлар ҳамкасбларига ўр-нак бўлишапти.

Қ. ЖУМАҚУЛОВ.

«ҚУРУҚ ГАПДАН АМАЛИЙ ИШГА ЎТИШ КЕРАК»

кадрлар билан мустаҳкам-лаш вазифаси топирилди.

Танқидий мақола колхоз коммунистларининг умумий йиғилишида ҳам кўриб чи-қилди. Сўзга чиққан ўртоқ-лар ҳақиқатдан ҳам ишлов-ни ўтказишда жиддий нуқ-сонлар содир бўлаётганли-гини мисоллар билан кўрсатиб ўтдилар. Хўжаликнинг бош-қа чорва мухассисларига ҳам тегишли партиявий жа-золар берилди. Бош зоотех-ник ва ферма мудури лаво-зимларига тажрибали ва ма-лакали мухассис кадрлар тайинланди.

Гўшт-сўт етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги кам-чиликларни тезда бартараф этиш, чорвачиликда кескин бурилиш бўлишига эришиш, моллар маҳсулдорлигини ошириш, ем-хашак базасини мустаҳкамлашга қаратилган конкрет тадбирлар чоралар белгиланди.

Жумладан, ем-хашак тай-ёрлаш бўйича алоҳида пуд-рат бригадаси ташкил этил-ди. Озуқа экинлари план

бўйича тўлиқ эклишини назорат қилишнинг партия ко-митети ўз зиммасига олди. Айни кунларда колган ем-хашакдан текамли фойдала-ниш, сийгирлардан соғиб оли-наётган сўт миқдорини кўп-айтириш, зоотехника-вете-ринария ишларини яхшилаш бўйича конкрет ишлар амал-га оширилмоқда.

Фермада санитария ҳола-ти яхшиланди. Чорвачилик комплекс қурилиши тез-лаштирилмоқда. Чорвадор-лар ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олди-риш, таъсирчанлигини оши-риш, ғолибларни моддий ва маънавий рағбатлантириш-нинг турли форма ва усул-ларида фойдаланишга эъти-бор қулайтирилди. Шунинг-дек, колхозда коммунистлар ва мухассис кадрларнинг масъулиятини ошириш, фер-ма цех партия ташкилоти ишчи яхшилаш, партия са-фини илгор чорвадорлар ҳи-собига кенгайтириш бўйича ҳам амалий ишлар олиб бо-рилмоқда.

Жаҳонро жаёт

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙ ОЛДИДАН

ВАРШАВА. Жаҳон гитлерчи-лар Германияси сўзсиз таслим бўлганлигини эшитган 1945 йилнинг 9 майи фашизмга қарши олиб борилган буюк жанг қатнашчиларининг, бутун миннатдор инсониятнинг хоти-расида ҳаммиса сакланиб қола-ди. Таникли ёзувчи, Польша-Совет дўстлиги жамияти Умупольша кенгашининг раис-и В. Жуковский ТАСС мух-бири М. Третьяков билан сўх-батда ана шу ҳақда гапирди.

40 йилдирки, Европа тинч-лигида яшамоқда. Уша қирқ бешинчи йилда гитлерчилар Германиясини тор-мор этишда ҳам қилувчи роль ўйнаган қажрамон Совет Армиясининг жангчилари ва улар билан

бирга поляк солдатлари ғала-ба сари машаққатли йўлни босиб ўтдилар. Қанчадан-қанча жанговар дўстлари ҳалок бўл-дилар. Бузилмас поляк-совет курулдош қардошлиги ман-фур душманга қарши олиб борилган айни шу муштарак қўришда юзга келди.

Халқ Польшаси ўз ватанини ва Европадаги бошқа мамла-катларни гитлерчи босқинчи-лардан озод қилиш учун ҳаё-тини аямган совет қажрамон-лари хотирасини ҳўрмат билан эсга олади. Польша меҳнат-чилари халқлар фашизм ва босқиндан халос бўлган 1945 йилнинг ўша май кунларида эришилган тинчлиқни муста-ҳкам ҳимоя қилиш оладиган куч

айни социалистик давлатлар-нинг ҳамдўстлигида эканлигига аминдирлар, деди В. Жу-ковский.

УЛАН-БАТОР. Монголиялик рассомларнинг янги асарлари Совет Иттифоқи ва бошқа мамлакатларнинг халқлари гитлерчилар фашизмга ва Япония милитаризмизига қарши олиб борган қажрамонона ку-раш тўғрисида, иккинчи жа-ҳон урушида Совет Армияси-нинг халоскорлиги ва социа-листик ҳамдўстлик мамлакат-ларининг урушдан кейинги даврдаги қардошларча дўсти-лиги ҳақида хикоя қилади. Бу ерда Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган ижодий конкурс эълон қилинди. Мон-

голия Рассомлар союзининг раиси Намсори Цултам таш-килотининг Монголия пойтахти-да бўлиб ўтган навбатдаги пленумида сўзга чиқиб шун-и айтди.

МХР рассомлари ўз асар-лари билан ёш авлодин рес-публика ветеранларининг шон-ли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш ишига ўз ҳисса-ларини қўшмоқдалар. Халқ хо-кимияти йиллари мобайнида монгол халқи эришган заф-рлар ана шу асарларнинг асо-сий мавзуси бўлди. Биз бундан буюн ҳам марксизм-ленинизм ва пролетар интернационали-зм идеалларига, Совет Ити-фоқи, бошқа қардош социа-лизм мамлакатлари билан бу-зилмас дўстликка садоқат ру-ҳида тинчлик учун, уруш ҳа-виға қарши актив кураша-верамиз, деди Н. Цултам.

кашлар корхонада фокиа-ли воқеалар юз берга-нидан кейин химия са-ноати ишчилари қасаба со-юзининг давлати билан забас-товка эълон қилдилар. Яқин-да у ерда содир бўлган куч-ли портлаш натижасида дастлабни маълумотларга қўра, 14 киши ҳалок бўл-ган. Фойда кетидан қувиб, меҳнатни муҳофаза қилиш-нинг оддий нормаларига ҳам риоя этаётган фабрика эгаларининг жиний сиёсати фалокат сабаби бўлди.

КОТОНУ. Ломедан оли-наётган хабарларга қараган-да, Того пойтахтида Афри-ка кофе ташкилотининг се-минари иш бошлади. Учра-шув қатнашчилари — шу ташкилотга аъзо бўлган 24 мамлакат вакиллари ана шу муҳим экспорт эканини етиштириш ва реализация қилиш соҳасидаги ҳамкор-лиқни кенгайтириш масала-ларини кўриб чиқадилар. Улар кофе плантациялари ҳосилдорлигини ошириш зарур моддий-техника база-сини ташкиллаш, шу соҳада-ги илмий тадқиқотларни ри-вожлантириш проблемалари-ни ҳам муҳокама қилади-лар.

(ТАСС).

ДАВЛАТ ТЕРРОРИЗМИ ҚОРАЛАНДИ

НИКАРАГУА ТАШҚИ ИШ-ЛАР МИНИСТРИГИНИНГ БАЕНОТИ

МАНАГУА. (ТАСС). Никарагуа ҳўкумати Рей-ган маъмуриятининг сан-диночилар халқ револю-циясини бўғиб ташлашга уришиб, террорчилик усул-ларида фойдаланаётганли-гини қатъий қоралади. Ташқи ишлар министр-лигининг бу ерда тар-қатилган баёнотида Ва-шингтон хизматида бўлган ёлланган гуруҳлар мамлакат-нинг турли районларида ўз халқи фаровонлиги йўлида тинч меҳнат қилаётган ку-рсидаз никарагуалик граж-данларни жинояткорона ўғир-лаб кетмоқдалар.

Ҳўжжатда сомосачилар ушлаб олиб, мажбуран қўш-ни мамлакатга олиб кет-ган никарагуалик 17 киши-нинг номи кўрсатилган. Ўғир-ланган кишилар орасида Ни-карагуа миллий автоном университети медицина фа-култети деканининг ўрин-босари Густаво Селейра, ўқитувчилар, студентлар, деҳқонлар бор. Ташқи иш-лар министрлиги республи-ка ҳўкумати Гондурас ва Коста-Рика маъмурларидан ана шу никарагуалик граж-данлар озод қилиниб, вата-нини қайтариб юборилиши учун чоралар қўришни қатъ-ий талаб этишга азму қарор қилганлигини таъкидлади.

ОППОЗИЦИЯ

ТАЪҚИДА

ВАШИНГТОН. «Парла-мент сайлови» деб аталган найраг арасидада Покистон ҳарбий режими оппозицияни бутунлай мажаклаб, ташлаш учун эўр бериб ҳаракат қил-моқда.

ЮПИ ахборот агентлиги-нинг хабар қилишича, По-кистондаги «сайловга бир неча кун қолган пайтда шу сайлов маъмуриятида қат-нашмасликка қақраётган де-мократияни тиклаш оппози-циячи ҳаракатининг таникли раҳбарларидан деярли бирон киши озодлиқда қолмади. Демократияни тиклаш ҳара-кати кирувчи партиялар-нинг неча юзлаб маҳаллий раҳбарлари ва активлари ҳи-сба олинди.

МАЪМУРЛАРИНИНГ

ЯЛПИ ЖАБР-ЗУЛМИ

САН-ФРАНСИСКО. АҚШ маъмуриятининг ўтказадиган милитаризм ва мухо-лифик сиёсатини қоралаёт-ган ва урушга қарши чиқа-ётган ҳаракатларни Америк-ка маъмурулари ялли жабр-зулм ёрдами билан бости-ришга уринмоқда. Калифор-ния штатининг Коста-Меса шаҳрида Оқ уйнинг курул-лашш поёғасини қосмосга қўчириш режаларига қарши оммавий норозилик намойи-шини полиция тарқатиб юбораётган пайтда 50 га яқин киши қамоққа олинди. Намойишлар урушга қар-ши «Инсониятни сақлаб қо-лиш йўлидаги сафарбарлик» уюшмасининг ташаббуси би-лан ўтказилди, бу уюшма 130 тадан кўпроқ жамоат ва диний ташкилотларни бир-лаштириди. Бу намойишлар Эль-Торо ҳарбий денгиз базасида ўтказилган ҳамда Пентагон, авионавтика ва космик фазони тадиққ қи-лиш миллий бошқармаси, шунингдек Америка ҳар-бий корпорацияларининг ва-киллари иштирок этган кон-ференция пайтида уюшти-рилган эди.

(ТАСС).



Ана шу сарлавҳа билан газетанинг шу йил 15 фев-раль сонида танқидий мақо-ла босилган эди. Унда Янги-йўл районидagi Назарали Нисёзов номли колхозда чор-ва қишлоқини ўтказишдаги жиддий камчиликлар очиб ташланганди.

— Мақола район партия комитетининг бюро йиғили-шида кўриб чиқилди, — деб ёзилди район партия коми-тетининг биринчи секретари П. Аликулованинг имзоси билан юборилган жавоб ха-тида. — Унда кўрсатилган камчиликлар тўғри деб то-пилиди. Вазифасига совуқ-қонлик билан қараганлиги, камчиликларнинг содир бў-лишига йўл қўйганлиги учун колхоз бош зоотехники Ма-мур Турғубоевга бюро ка-рорига асосан ҳисоб карточ-касида ёнги партия билан қатъий ҳайфсан берилди ва лавозимидан бўшатилди. Хў-жалик партия ташкилоти зиммасига фермада юз бер-ган ташвишли ахволни ат-рофича муҳокама қилиш, бошқа айбдорларни ҳам жа-золаш, фермани малакали



АҚШ Марказий разведка бошқармаси ҳамда янрич ЖАР махсус маҳкамалари-даги хўжайинларининг қўри-қатмадиган бўйича иш юри-таётган УНИТА террорчи гуруҳларининг жиноятқоро-на ҳаракатлари Ангола жа-лубидаги вазиятни жуда кес-

кинлаштирмоқда. УНИТА бақдаларининг қўллаб-қув-ватланаётганлиги, янричлар томонидан Ангола Халқ Рес-публикаси жанубий райола-рини окуляция қилиш да-вом этаётганлиги ЖАР ва унинг океан ортидаги ҳомий-ларининг «Жанубий Африка

ТАСС фотохроникаси.

